




З.М. ОТАҚЎЗИЕВА



В.С. ХАМИДОВ



С.А. ОТАҚЎЗИЕВА

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНТЕРНЕТ ХИЗМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Devoted to the problems and solutions of the Internet use for providing quality of higher education. There are given normative legal documents, problems and solutions in providing quality of higher education in our republic under globalization process. In this article by using the Internet services, investigating education process in leading foreign universities models regarding improvement of education quality in higher education institutions are provided.

Мустақиллик йилларида олий таълим тизимини тубдан ислох қилиш бўйича кенг миқёсдаги ишларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз олий таълим муассасалари моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, салоҳияти бимунча кўтарилди. Шу билан бирга, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизими босқичма-босқич ислох қилинмоқда ҳамда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳаси янада такомиллаштирилмоқда.

Хусусан, олий таълим профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш масаласига қаратилаётган эътибор кучаймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомил-

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон фармони ҳам мазкур соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни бутунлай янги сифат босқичига кўтаришга хизмат қилади. Ушбу ҳужжат олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш асосида юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш мақсадида қабул қилинган. Фармонда авваломбор, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Шу асосда ташкил этилган 5 минтақавий, 10 та тармоқ малака ошириш марказлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва

Отақўзиева Зухра Маратдаевна – Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Почта алоқаси технологияси” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди.

Хамидов Воҳид Собирович – Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Физика” кафедраси ўқитувчиси.

Отақўзиева Сурайё Алишеровна – Тошкент давлат иқтисодийёт университети ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот марказининг демография ва меҳнат бозори сектори кичик илмий ходими.

уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази фаолият юритмоқда. “Электрон таълим” миллий тизими ёрдамида масофадан туриб педагогик кадрлар малакасини ошириш тажрибаси амалиётга татбиқ этилаётир.

Замон талабларига мос мутахассисни етиштириш, унинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши учун назарий билим ва амалий кўникмаларини шакллантириш, етук инсон сифатида миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камолга етишини таъминлаш олий таълимнинг устувор вазифаларидан саналади. Ушбу вазифалар таълим сифатини янада кўтаришни, малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашни, бу жараёнларда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)дан фойдаланиш даражасини оширишни, қисқаси – таълим ва тарбия тизимида туб сифат ўзгаришлари содир этишни талаб қилади [1].

Айни пайтда олий таълим тизимида таълим сифатини таъминлаш борасида қуйидаги ҳолатларда муаммолар мавжуд:

Профессор-ўқитувчиларнинг малакасини хорижий олий таълим муассасаларида ошириш;

Талабаларни юқори рейтингли хорижий олий таълим муассасида ўқишга юбориш масаласи;

Рақобатбардош кадрларни тайёрлаш;

Юқори рейтингли хорижий олий таълим муассасида ўқитилаётган фанларни миллий олий таълим муассасаларда жорий этиш;

Янги киритилган фанлар бўйича ўқув мажмуаларни шакллантириш;

Мутахассислик фанларини чет тилларида ўқитиш;

Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун бир нечта янги моделларни ишлаб чиқдик.

Ҳозирги замон таълим жараёнида электрон таълим ўзига хос ўрин тутмоқда. Унинг ривожланиш суръати, амалиётга тобора кенг ва самарали татбиқ этилаётгани – замонавий таълимнинг муҳим тенденцияларидан бирига айланганини кўрсатиб турибди. Сўнгги 2–3 йил ичида электрон таълимнинг энг истиқболли йўналишларидан бири бу – оммавий очик онлайн курслар (ОООК, инглизча – Massive Open Online Course)нинг шаклланиши бўлди. ОООК асосида ҳамма учун таълим ғояси ётади[3].

Бу ғоя жаҳоннинг етакчи университетлари томонидан ер шарининг исталган нуктасида бўлган ҳар қандай мижозга масофавий технологиялар ёрдами-

да муайян оралиқ ва якуний назорат топшириқларини белгилаган муддатларда бериш ҳамда қабул қилиб олиш, ўқитувчилар ва юз минглаб мижозлар (курс тингловчилари, талабалар) орасида эркин мулоқотни уюштириш имкониятидан фойдаланиб, академик курслар ташкил этишга асосланган.

Қуйидаги моделларнинг ҳар бири олий таълим муассасаси (ОТМ)да ОООКдан фойдаланиш механизмини амалга оширишни кўрсатиб беради.

Хорижий олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш.

Юқори рейтингли хорижий олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар малакасини оширишнинг оригинал усулларидан бири ўз муттаҳасислигидан келиб чиқиб, интернет хизматларидан фойдаланган ҳолда асосий иш жойидан ажралмаган (ёки ажралган) ҳолда оммавий очик онлайн курслар (ОООК)да малакасини оширишдир. Бунинг учун қуйидаги ташкилий чоралар амалга оширилади:

Олий таълим муассаси ректори томонидан маҳсул ишчи гуруҳ тузилади.

Ишчи гуруҳ профессор-ўқитувчилар мутахассислигини эътиборга олган ҳолда оммавий очик онлайн курслар томонидан таклиф этилаётган курсларни ўрганиб чиқади ва қуйидаги мезонлар асосида тавсия этиладиган курслар шакллантирилади, яъни курснинг:

а) профессор-ўқитувчилар мутахассислигига мослиги;

б) давлат таълим стандартларига мослик даражаси;

в) ҳозирги замон талаб даражасига мос эканлиги.

Ишчи гуруҳ томонидан оммавий очик онлайн курсларда келтирилган курслар ўрганилиб чиқилгандан кейин профессор-ўқитувчилар рўйхати тавсия этилади ва ректор томонидан тасдиқланади.

Профессор-ўқитувчилар ишчи гуруҳ томонидан тавсия этилган курс билан танишиб чиқиб, ўзининг шахсий ўқув режасини шакллантиради. Бунда профессор-ўқитувчилар ўқув машғулоти ва шахсий иш фаолиятида бандлиги ҳамда бўш вақти имкониятларидан келиб чиққан ҳолда курсда ўқиш режасини шакллантиради.

Профессор-ўқитувчининг ўқув йили давомида оммавий очик онлайн курслардаги фаолияти шахсий ўқув режасига киритилади ва факультет декани томонидан тасдиқланади.

Афзалликлари: иқтисодий томондан хориж сафарига кетадиган ҳаражатнинг тежалиши; профессор-ўқитувчининг асосий иш жойидан

ажралмаган ҳолда ва ўзига мақбул шахсий режа асосида малакасини ошириш имконияти; хорижий олий таълим муассасидаги профессорнинг дарс бериш маҳоратини ўрганиши; ўз устида узлуксиз ишлаш имконияти; олган янги билим ва кўникмалар асосида таълим жараёни сифатини оширишга эришиши.

Юқорида келтирилган модел асосида хорижга малакасини оширишга юборилиши тавсия этилаётган профессор-ўқитувчи биринчи босқичда айнан оммавий очик онлайн курслар томонидан берилган топшириқларни ўзлаштириш даражасидан келиб чиқиб, уни кейинги босқичга тавсия этиш ёки этмаслик масаласини ҳал этиш мумкин бўлади.

Юқори рейтингли хорижий олий таълим муассасида талабаларни ўқитиш масаласи.

Талабаларни хорижий олий таълим муассасига ўқишга юбориш ўрнига мутахассислиги бўйича оммавий очик онлайн курсларни ўтиш масаласини ҳал қилиш учун:

1. Олий таълим муассаси ректори томонидан махсус ишчи гуруҳ ташкил этилади.

2. Ишчи гуруҳ талабанинг мутахассислигидан келиб чиққан ҳолда оммавий очик онлайн курслар томонидан таклиф этилаётган курсларни ўрганиб чиқишда кўйидаги мезонларга таянади:

- а) курснинг талаба мутахассислигига мослиги;
- б) талабанинг курсни ўрганиш учун билиши зарур бўлган малака талабаларига жавоб бера олиши;
- в) давлат таълим стандартларига мослик даражаси;
- г) ишлаб чиқариш соҳа йўналишига мослиги;
- д) курснинг замонавий талаб даражасига қанчалик мос эканлиги.

3. Ишчи гуруҳ томонидан оммавий очик онлайн курсларда келтирилган курслар ўрганилиб чиқилгандан кейин талабага тавсия этилади ва ректор томонидан тасдиқланади.

4. Талаба ишчи гуруҳ томонидан тавсия этилган курс билан танишиб чиқиб, ўзининг шахсий ўқув режасини шакллантиради.

5. Ишчи гуруҳ томонидан тавсия этилган оммавий очик онлайн курслар талаба томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида ички аттестациядан ўтказиш бўйича комиссия ташкиллаштирилади. Комиссия томонидан ўрганилаётган фан бўйича назорат имтиҳон саволлари тузилади. Талаба белгиланган тартибга кўра ички аттестациядан ўтказилади.

Афзалликлари: иқтисодий томондан хориж са-

фарига кетадиган ҳаражатнинг тежалиши; талабанинг асосий ўқишдан ажаралмаган ҳолда кўшимча таълим олиш имконияти; ўқишни индивидуал режа асосида амалга ошира олиши; хорижий олий таълим муассасидаги профессор ўқитувчилар билан танишиши; курсга ёзилган бошқа давлатдаги тенгқурлари билан алоқа ўрнатиш имконияти; ўз устида узлуксиз ишлаш имконияти.

Юқорида келтирилган модел асосида хорижга ўқишга юборилиши тавсия этилаётган талабанинг биринчи босқичда айнан оммавий очик онлайн курслар томонидан берилган курсларни қанчалик ўзлаштириш даражасига қараб кейинги босқичга тавсия этиш ёки этмаслик масаласини кўриб чиқиш мумкин.

Юқори рейтингли хорижий олий таълим муассасида ўқитилаётган фанларни миллий олий таълим муассасаларида жорий этиш механизми.

Таълим сифатини ошириш мақсадида, нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида ўқитилаётган фанларни ўрганиб чиқиб, ўзимизнинг олий таълим муассаси йўналишига мос ўзгартишлар киритиш, ўқув мажмуани модернизация қилиш учун кўйидаги кетма-кетликда тадбирларни амалга ошириш мумкин:

Олий таълим муассаси ректори томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилади.

Ўқув ишлари бўйича проректор бошчилигидаги ишчи гуруҳга ҳар бир факультетдан масъуллар тайинланади.

Ишчи гуруҳ олий таълим муассаси мутахассисликларидан келиб чиқиб, оммавий очик онлайн курслар саралаб олинади. Факультет томонидан белгиланган масъуллар томонидан оммавий очик онлайн курсларда ва олий таълим муассасида мавжуд курслар қиёсий таҳлилдан ўтказилади.

Олинган натижалар асосида олий таълим муассасининг янги фанларни киритиш имконияти аниқланади.

Киритилган янги фан бўйича оммавий очик онлайн курслар мавжуд ўқув-методик ишланмалар давлат таълим стандарти асосида умумлаштирилади.

Оммавий очик онлайн курслардан фойдаланган ҳолда талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш.

Маълумки, талабаларнинг мустақил иши ўқув режада ажратилган умумий соатнинг салмоқли қисмини ташкил этади. Ҳозирда талабаларнинг мустақил иши фаннинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда ҳар хил ташкил этилади.

Қўйидаги моделда оммавий очик онлайн курслардан фойдаланган ҳолда талабаларнинг мустақил ишини ташкиллаштириш механизми таклиф этилади:

Олий таълим муассасикафедрасининг профессор-ўқитувчилари томонидан оммавий очик онлайн курслар ўрганилиб чиқилади.

Кафедранинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда оммавий очик онлайн курслар ўқув модуллари танлаб олинади. Танланган ўқув модулларининг қийинлик даражаси, уни ўзлаштиришга кетадиган вақт, курсни ўзлаштириш учун талабадан талаб қилинадиган минимал билим даражаси ўрганиб чиқилади.

Танлаб олинган ўқув фан модули бўйича ички назоратни ташкиллаштириш мақсадида назорат имтиҳон саволлари тузилади.

Танлаб олинган ўқув фан модуллари кафедра йиғилишида муҳокама қилинади ва унинг қарори баённома билан тасдиқланиб, университет илмий услубий кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Мустақил иш сифатида талабаларга оммавий очик онлайн курсларда мавжуд ўқув фанлари рўйхати тавсия қилинади.


Талаба оммавий очик онлайн курслар томонидан мустақил иш сифатида тақдим этилаётган курсни (ўқув фанини ёки модулини) ўзлаштиради.

Ўзлаштириш даражаси кафедра томонидан ички назорат орқали ўтказилади, яъни талаба тестларни топширади, унинг мустақил иши баҳоланади.

ОТМ ўқув режасининг танлов фанлари блогини ўқитишда оммавий очик онлайн курслардан фойдаланиш ва ОТМдаги мутахассислик фанларини чет тилида ўқитишда оммавий очик онлайн курслардан факультатив машғулот сифатида фойдаланиш моделлари ҳам юқорида келтирилган моделлар сингани амалга оширилади.

Оммавий очик онлайн курсларда ўқиш анъанавий таълим билан уйғунлашган ҳолда “Bleanded learning” (“Аралаш таълим”) ташкил этилиши мумкин[2].

“Bleanded learning” туридаги таълим шаклида назарий, ўқув-лаборатория ва амалий машғулотларни мустақил ўзлаштириш оралиқ, жорий ва якуний синовларга тайёргарлик кўриш мустақил таълимга ажратилган соатлардан келиб чиққан ҳолда назорат топшириқларини бажариш ва топшириш жараёнларининг айрим турлари масофадан туриб, айримлари эса аудиторияда анъанавий тарзда амалга оширилади.



Машғулотларни “Bleanded learning” (“Аралаш таълим”) шаклида ташкил этиши.

Умуман олганда, ахборот-коммуникация технологияларининг бугунги ривожини олий таълим тизимида оммавий очик онлайн курслар (ОООК) дан фойдаланиш имконини беради ва бунда[4]:

а) масофавий ўқувни самарали ташкил этиш бўйича норматив-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш талаб қилинади;

б) олий таълим тизимида таҳсил олган ҳолда ўқув жараёнини такомиллаштириш ва халқаро тажрибани кенг ёйишга эришиш зарур;

в) профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва талабаларнинг касбий тайёргарлигини халқаро андозаларга мослаштириш мақсадида оммавий очик онлайн курслар имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳам иқтисодий, ҳам интеллектуал наф келтиради;

г) нуфузли хорижий олий таълим муассасида малакасини оширган профессор-ўқитувчининг таълим мазмунини замонавий билимлар билан такомиллаштиришига, ўқув жараёнларига илғор педагогик технологиялар ва тажрибаларни олиб киришига эришиш лозим;

д) қабул қилинадиган норматив-меъёрий ҳужжатларда оммавий очик онлайн курслар орқали малака оширган профессор-ўқитувчиларнинг, шунингдек таълим олган талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ва тасдиқлаш, аккредитациялаш механизми ишлаб чиқиши лозим бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, интернет хизматларидан фойдаланган ҳолда оммавий очик

онлайн курслар (ОООК)ни юқорида келтириб ўтилган, яъни: а) хорижий олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш; б) юқори рейтингли хорижий олий таълим муассасида талабаларни ўқитиш; в) юқори рейтингли хорижий олий таълим муассасида ўқитилаётган фанларни

миллий олий таълим муассасаларига жорий этиш; г) оммавий очик онлайн курслардан фойдаланган ҳолда талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш моделлари орқали республикамиз олий ўқув юртлари ўқув жараёнига кенг жорий этиш ўз натижасини албатта беради, деган фикрдамиз.


Фойдаланилган адабиётлар

Лутфуллаев П. М. Олий таълимда сифатнинг мазмуни ва моҳияти http://erasmusplus.uz/files/downloads/heres_sbornik_2013_final.pdf, Oliy ta'lim taraqqiyoti istiqbollari: To'plam/ Mas'ul muharrir M. A. Rahmatullayev. - T.: ООО "E-LINE PRESS", 2013. – 104 b.

Т. Т. Шоймардонов, В. С. Хамидов, М. Файзиева, Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, 2016 й. 110 б. <https://lib.bimm.uz/>

Мишнев Б. Ф., Филь Н. П., Скворцов А. А. Опыт внедрения и перспективы развития дистанционного обучения в TSI// Международный электронный журнал «Образовательные технологии и общество (Educational Technology & Society) 2013. том 16, №4, С. 475-492.

Система информационного обеспечения электронного обучения в вузах// Система мониторинга электронного обучения <http://monitoring-el.ru/>



М.Б.ЮЛДАШЕВА

ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ КУЛЬТУРЫ ЧТЕНИЯ КАК ЦЕННОСТНОЙ ОРИЕНТАЦИИ МОЛОДЕЖИ

The article discusses the culture of reading as an element of spiritual and moral values. Reading as a kind of cognitive and informational activity occupies a special place in the structure of personality formation. Work with young people on the issues of the correct choice of books in the process of free time, as well as the formation of a reading culture.

В последнее время очень часто говорят о культуре чтения. Попробуем разобраться с данным определением. Проблемы социальной ценности и определения места книги и чтения в жизни человека и общества волновали мыслителей всех времен. Первые попытки философского осмысления чтения как феномена духовной жизни встречаются уже у мыслителей Древнего Китая и античности (Конфуций, Лао-Цзы, Чжуан-Цзы,

Сократ, Платон, Сенека), в средневековой социально-гуманитарной мысли духовно-сакральные аспекты чтения и основы его психологического механизма затрагивались П. Абеляром, А. Аврелием, Г. Богословом, Г. Нисским, Оригеном, И. С. Эриугеной. В эпоху Ренессанса и Нового времени духовно-гуманистические аспекты чтения как способа интеллектуального развития личности нашли отражение в трудах Л. Бруни, Ф. Бэкона, Т.

Юлдашева Манзура Бориходжаевна - доцент кафедры "Организация и управление учреждениями культуры и искусств" Государственного института искусств и культуры Узбекистана